

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2021.1.16.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САЛИХОДЖАЕВА УМИДА АБДУАКБАР ҚИЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИНГ  
СТАТИСТИК ТАДҚИҚИ**

**08.00.06 – Эконометрика ва статистика**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)  
по экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)  
in Economic Sciences**

<b>Салиходжаева Умида Абдуакбар қизи</b> Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасининг статистик тадқиқи.....	3
<b>Салиходжаева Умида Абдуакбар қизи</b> Статистическое исследование уровня жизни населения Узбекистана....	30
<b>Salikhodjaeva Umida Abduakbar kizi</b> Statistical research on level of population welfare in Uzbekistan.....	57
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	61

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2021.1.16.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САЛИХОДЖАЕВА УМИДА АБДУАКБАР ҚИЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИНГ  
СТАТИСТИК ТАДҚИҚИ**

**08.00.06 – Эконометрика ва статистика**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/Iqt1421 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ғайбназаров Баҳодир Каримович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Мухитдинов Худаяр Суюнович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Турғунов Турсунбой Собирович**  
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат транспорт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2021.1.16.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100063, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239 01 49; факс: (99871) 2326992; e-mail: [tsue@tsue.uz](mailto:tsue@tsue.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100063, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239 01 49; факс: (99871) 2326992.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**С.К. Худойкулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**Б.Д. Хажиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

**Н.М.Махмудов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар мунтазам амалга оширилишига қарамай, у кўп омилли масала эканлиги сабабли камбағаллик асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. БМТ Бош ассамблеясининг 2000 йилда қабул қилинган «Минг йиллик ривожланиш дастури» ҳамда 2015 йилда тасдиқланган «2030 йилгача мўлжалланган 17 та мақсад ва 169 та вазифалардан иборат, барқарор ривожланиш мақсадлари»<sup>1</sup>да дунё мамлакатлари аҳолисини иқтисодий кўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини асраш, фаровон турмуш кечирishiга қаратилган муҳим чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилган. «Дунёда 800 миллиондан зиёд кишилар ҳали ҳам кунига 1,25 АҚШ доллардан камроқ маблағга яшайдилар, уларнинг кўпчилиги етарли озиқ-овқат, тоза ичимлик суви ва санитария шароитларидан фойдаланиш имкониятига эга эмаслар»<sup>2</sup>. Бугунги кунда аҳоли турмуш даражасини ошириш, жумладан камбағаллик чегарасини камайтириш ва бандлик даражасини ошириш масалалари долзарб муаммолар таркибига киради.

Жаҳонда иқтисодиётнинг таркибий-технологик ва касблар классификациясидаги кескин ўзгаришлар шароитида аҳоли турмуш даражасини оширишга бағишланган илмий тадқиқотларга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу борада, ўртача умр кўриш давомийлигини оширишда сифатли соғлиқни сақлаш тизимини ташкил қилиш, жиноятчиликни камайтириш, атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини пасайтириш, бандлик ва барқарор даромад сингари йўналишлар бўйича кўрсаткичларни статистик таҳлил усулларини такомиллаштириш, уларга таъсир этувчи омилларни статистик параметрлар орқали баҳолашнинг аниқлик даражасини ошириш борасидаги тадқиқотлар шулар жумласидандир.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида инсон қадри ва манфаатлари юқори ўринга қўйилиши аҳоли турмуш даражасини сифат жиҳатдан юксалтиришда муҳим аҳамият касб этиб, ўтган йиллар мобайнида ижтимоий соҳада, жумладан «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» сингари янги механизмларнинг амалиётга жорий қилиниши бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлигини таъминлашга ижобий таъсир кўрсатди. Аҳоли турмуш даражасини оширишда муҳим омиллардан бири аҳоли даромадлари, хусусан «Деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш»<sup>3</sup>, минг йиллик тараққиёт дастурида кўзда тутилган тоза ичимлик суви, сув ресурсларини асраб-авайлашга йўналтирилган «Сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни тежаш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш, хусусан, 2026 йилгача республика аҳолисининг тоза ичимлик суви билан таъминланганлик

<sup>1</sup> <https://unstats.un.org/sdgs/report/2020/goal-01/>

<sup>2</sup> <https://unstats.un.org/sdgs/report/2020/goal-01/>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сонли “2022-2026 йиллар учун мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги фармони. <https://lex.uz/tu/>

даражасини 87 фоизга етказиш, 32 та йирик шаҳарлар ва 155 та туман марказларида оқова сув тизимларини янгилаш»<sup>4</sup> сингари муҳим устувор вазифалар белгилаб берилган. Бу борада аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ошириш омилларини статистик усулларда баҳолаш, статистик кўрсаткичлар тизими ва прогнозлашнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш ҳамда эконометрик моделларни тузиш бўйича илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш мақсадга мувофиқ.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сонли «2022-2026 йиллар учун мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» тўғрисидаги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796-сон «Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 мартдаги 122-сон «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг илмий-назарий жиҳатлари, тараққиёт босқичлари иқтисодий-статистик таҳлилининг услубий асосларини ўрганиш хорижий ва республикамиз иқтисодчи олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар, илмий асарлар, рисолалар ва мақолаларда ҳам ўз аксини топган. Хусусан, аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг илмий-назарий масалалари хорижлик олимлардан P.Convers, W.Rogers, F.Andrews, S.Withey, S.Brue ва A.McConnell<sup>5</sup> сингари олимлар илмий изланишлар олиб борганлар.

МДХ ташкилотига аъзо давлатларнинг етук олимларидан А.И.Субетто, И.В.Бестужев-Лада, В.Н.Бобкова, Б.И.Герасимов, В.Я.Райцин, Н.М.Римашевская, Н.К.Дружинин, Г.Р.Хасаев, Н.И.Бузляков, В.Ф.Майер<sup>6</sup> ва бошқалар ўз илмий

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон “2022-2026 йиллар учун мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони.

<sup>5</sup> Campbell A., Converse P.E., Rogers W.L. The Quality of American Life – Russell Sage Foundation, New York, 1976; Andrews F.M., Withey S.B. Social Indicators of Well-Being: Americans' Perceptions of Life Quality. – New York: Plenum Press, 1976; Brue S.L., McConnell Economics- 1963 y. Atkinson A. B. Pareto and the upper tail of the income distribution in the UK: 1799 to the present. // *Economica*. – 2017. – №. 84 (334). – С. 129-156; Wright, Sewall (January 1921). "Correlation and causation". *Journal of Agricultural Research*. 20: 557–585.

<sup>6</sup> Субетто А.И. Начало теории социального менеджмента качества. Ноосферно-социальная парадигма: [научная монография] / А.И. Субетто; под науч. ред. Бобкова В. Н. ; Ноосферная общественная акад. наук [и др.].

ишларида аҳоли турмуш даражасини ошириш масалаларини ҳал қилишнинг илмий-назарий ҳамда услубий муаммоларининг айрим жиҳатларини ёритиб берганлар ва мазкур масала бўйича тадқиқот натижаларига таяниб, илмий-амалий тавсиялар берганлар.

Аҳоли турмуш даражаси ва кўрсаткичларини таҳлил қилиш усуллари ҳамда ижтимоий-иқтисодий жараёнларини эконометрик моделлаштириш борасида С.Хачатрян, Н.Королева, Н.Егорова, Е.Майн, Б.Бреев, А.Суринов<sup>7</sup> ва бошқалар илмий изланишлар олиб борганлар.

Ўзбекистон Республикасида аҳоли турмуш даражаси, ҳаёт сифатининг илмий-услубий асослари ва талқини С.Ғуломов, Ё.Абдуллаев, Х.Мухитдинов, А.Солиев, Б.Ғойибназаров, Ф.Эгамбердиев, В.Ким, Н.Махмудов, Ф.Ахмедов, Р.Юнусова<sup>8</sup> томонидан тадқиқ этилган. Аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичлари динамикаси ва тузилишининг статистик таҳлил қилиш усул ва моделлари бўйича Т.Шодиев, Қ.Абдурахмонов, Ш.Холмўминов, Б.Бегалов, Б.Беркинов, А.Абдуллаев, А.Ишназаров, Б.Салимов, Р.Алимов, Ю.Мухамедов, Б.Усманов<sup>9</sup> ва бошқалар тадқиқот олиб борганлар.

Юқоридаги хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий тадқиқотларида аҳоли турмуш даражаси, унинг ҳаёт сифати, уларга таъсир кўрсатувчи асосий омиллар, тамойил ва мезонларни статистик баҳолаш, ижтимоий-иқтисодий жараён ва тенденцияларни эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаш, асосий йўналишларини белгилаш алоҳида статистик объект сифатида ўрганилмаган. Бу эса тадқиқот мавзуси, унинг доирасида мақсад ва вазифаларни белгилашга сабаб бўлди.

---

– Санкт-Петербург: Астерион, 2012. — 263 с. ISBN 978-5-94856-965-9; Бестужев-Лада И. В. Социальное прогнозирование. Цикл лекций. – Педагогическое общество России, 2002. // Электронная публикация: Центр гуманитарных технологий. – 25.08.2006. Гранберг А.Г., Ершов Ю.С. Особенности докризисных сценариев социально-экономического развития РФ и ее регионов. // Оптимизация территориальных систем / под ред. С.А. Суспицына; ИЭОПП СО РАН. – Новосибирск, 2010. – Гл. 9.1. – С. 204-206. – URL: Электронный ресурс (pdf): Родионова, И.А. Система адаптации сельскохозяйственных предприятий к рыночной экономике: монография / А.В. Голубев, Л.С. Яковлева, Р.М. Мухамеджанов, И.А. Родионова. – Саратов. гос. агр. ун-т им. Н.И. Вавилова. – Саратов, 2001. - 224 с.; Райцин В.Я. Нормативные методы планирования уровня жизни. – Экономика, 1967; Римашевская Н. Вопросы совершенствования статистики уровня жизни. // Доходы и покупательский спрос населения. Статистика. – М., 1968, с. 156-161; Рутгайзер В.М. Справедливая стоимость как стандарт оценки бизнеса. // I Международный конгресс «Становление, развитие и перспективы оценочной деятельности в России. – 2012; Майер В.Ф. Уровень жизни населения СССР / В.Ф. Майер. – М.: Мысль, 1977. – С. 5.

<sup>7</sup> Хачатрян С.Р., Тарасова Н.А., Тарасова М.С. Динамика и прогноз скрывааемых элементов занятости и доходов. // Экономическая наука современной России. – 2016. – №. 4. – С. 49-67; Клыоня В.Л., Королева Н.В. Место и роль домашних хозяйств в системе социально-экономических отношений в переходной экономике. – 2003; Егорова Н.И., Митякова О.И. Экологические инновации и устойчивое развитие. //Труды НГТУ им. ПЕ Алексеева. – 2015. – №. 3 (110); Майн Е.Р. Комплексное социально-экономическое развитие региона (на материалах Ярославской области). – 2001; Бреев Б.Д., Вороновская О.Е. Развитие рынка труда и занятость населения. //Вестник Российского гуманитарного научного фонда. – 1996. – №. 3. – С. 93-97; Суринов А.Е. Уровень жизни населения России: 1992-2002 гг. – Москва: ИИЦ «Статистика России», 2003.

<sup>8</sup> Макроиктисодий статистика. Ғуломов С.С. таҳрири остида. – Т.: Дитаф. 2002. – 275 б; Абдуллаев Ё. Статистика. – Т.: Молия, 2020. – 382 б; Ғойибназаров Б.К. Аҳоли турмуш даражасини статистик баҳолаш. – Т.: ФАН, 2005. – 125 б.

<sup>9</sup> Абдурахмонов Қ.Х., Тохирова Х.Т. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш. Ўқув. қўл. – Т.: Адабиёт жамғармаси, 2014.-159 б; Шодиев Т.Ш., Ходиев Б.Ю., Беркинов Б. Б. Эконометрика. Ўқув қўл. – Т.: Иқтисодиёт, 2018.- 173 б; Усманов Б. Ижтимоий статистика. – Т.: Иқтисодиёт, 2019 – 58 б; Холмўминов Ш. Мехнат бозори иқтисодиёти. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 39 б; Абдуллаев А.М., Ходиев Б.Ю., Ишназаров А.И. Эконометрика. – Т.: Fan va texnologiya, 2020. – 612 с.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (2018-2020 йй.) №ПЗ-20170928644 «Ўзбекистон қишлоқ аҳолисининг иш билан таъминлаш муаммолари» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон Республикасида аҳоли турмуш даражаси, асосий тенденциялари ва ўзгаришларни статистик баҳолаш ҳамда ўрта муддатли статистик прогнозини ишлаб чиқиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

аҳоли турмуш даражасининг назарий асосларини ўрганиш;

аҳолини турмуш даражасини ифодаловчи статистик кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

республикамизда аҳоли пул даромадлари, уларнинг ҳосил бўлиш манбаларини статистик баҳолаш;

аҳоли пул харажатлари ва жамғармаларини статистик таҳлил қилиш бўйича илмий хулосалар ишлаб чиқиш;

аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи асосий кўрсаткичларни хорижий давлатлар кўрсаткичлари билан халқаро қиёсий таққослаш ва илмий асосланган хулосалар чиқариш;

аҳоли пул даромадлари орасидаги табақалашув ва тебраниш жараёнларини статистик баҳолаш;

аҳоли турмуш даражасининг ўрта муддатли статистик прогнозини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистон Республикасининг турли қатламдаги аҳолиси ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг турмуш даражасини статистик тадқиқ этиш ва унга таъсир қилувчи омилларни статистик баҳолаш жараёнидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар йиғиндиси ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида қиёсий таҳлил, танланма кузатиш, эксперт баҳолаш, статистик гуруҳлаш, иқтисодий индекслар, динамика қаторлари, кўп омилли статистик таҳлил, эконометрик моделлаштириш усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

аҳоли турмуш фаровонлиги ва даромадлари табақалашувини баҳолаш мақсадида даромадлилик, эластиклик, квинтиль, дециль, концентрация коэффицентларини комплекс қўллаш ҳисобига «турмуш қиймати индекси», «ҳаёт сифати индекси» ва «даромадлар поляризация индекси» сингари интеграл кўрсаткичлар ишлаб чиқилган;

миллий ҳисоблар тизими (МХТ-2008) халқаро стандарти асосида уй хўжалиги секторининг статистик танланма кузатувларида уларнинг даромадлари шаклланиши, харажатлари таснифланиши ҳамда истеъмол ва



жамғармаларининг умумлашган кўрсаткичларидан комплекс фойдаланишни ифодаловчи турмуш мезонлари, аҳоли пул даромадлари, товар ва хизматлар истеъмоли, жамғармаларнинг миқдори ошиши сингари кўрсаткичлар таклиф қилинган;

турмуш қиймати, реал даромад ва эластиклиги уйғунлигига кўра, аҳоли даромадлари, харажатлари ва жамғармаларининг оптимал тебранишлари (ўзгарувчанлиги)га асосланган ҳолда аҳолининг даромадлилик даражасига таъсир қилувчи омиллар комплекс статистик баҳоланган;

Ўзбекистон Республикасида аҳоли турмуш даражасининг истиқболдаги ҳолатини баҳолаш мақсадида ўрта муддатли (2022-2026 йй) статистик прогнозлар ишлаб чиқилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:**

уй хўжалиги секторининг статистик танланма кузатувлари асосида даромадлар шаклланиши, харажатлари таснифланиши ва аҳоли даромадларининг таркибий тузилмаси, ўзгариши, уларнинг табақалашув даражасини таҳлил қилиш учун статистик кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

худудларда аҳоли турмуш фаровонлиги баҳолаш мақсадида даромадлилик, эластиклик, квинтиль, дециль, концентрация коэффициентлари сингари комплекс кўрсаткичларни қўллаш ҳисобига интеграл кўрсаткичлар асослаб берилган;

аҳоли турмуш даражасига таъсир кўрсатувчи омиллар, мезонлар, тамойиллар халқаро таснифлар бўйича баҳоланган;

статистик таҳлил усулларидан фойдаланиб, аҳоли даромадлари, харажат ва жамғармалари орасидаги тебраниш ва ўзгарувчанликлар статистик баҳоланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси статистик маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифлар мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этилганлигини билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялардан аҳоли турмуш даражасини статистик усулларда таҳлил қилишга оид назарий ва услубий ёндашувлар ҳамда мавзуга оид махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш ҳамда статистика идоралари фаолиятида статистик методологияни такомиллаштиришда қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан мамлакатимизда ижтимоий соҳани янада ривожлантириш бўйича мақсадли манзилли дастурларни ишлаб чиқишда, чора-тадбирларни белгилаш ҳамда иқтисодий таълим йўналиши талабаларига «Статистика», «Ижтимоий статистика» ва «Эконометрика» фанларини ўқитишда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Аҳоли турмуш даражаси, фаровонлиги ва даромадлари табақалашувини баҳолаш жараёнларининг статистик таҳлили бўйича олинган илмий натижалар асосида:

аҳоли турмуш фаровонлиги ва даромадлари табақалашувини баҳолаш мақсадида «турмуш қиймати индекси», «ҳаёт сифати индекси» ва «даромадлар поляризация индекси» сингари интеграл кўрсаткичлар бўйича берилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтининг ижтимоий муаммолар бўйича статистика тадқиқотлари бўлими томонидан «Халқаро ташкилотлар тавсиялари асосида аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш ҳамда уй хўжаликлари танланма кузатувини ўтказиш услубиятини такомиллаштириш» мавзусидаги услубий тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796-сон қарори билан тасдиқланган «2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича йўл харитаси»нинг 5.5-бандига киритилган тадбирларни амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтининг 2022 йил 1 февралдаги 01/1-01-15/2-29-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар аҳоли турмуш тарзини фаровонлаштириш ва пул даромадлари даражасини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш, асосий тенденцияларни статистик усулларда баҳолаш имкониятларини оширишга олиб келган;

миллий ҳисоблар тизими (МХТ-2008) халқаро стандарти асосида уй хўжалиги секторининг статистик танланма кузатувларида уларнинг даромадлари шаклланиши, харажатларининг таснифланиши ҳамда истеъмол ва жамғармаларининг умумлашган кўрсаткичларидан комплекс фойдаланишни ифодаловчи турмуш мезонлари, аҳоли пул даромадлари, товар ва хизматлар истеъмоли, жамғармалар миқдори ошиши сингари таклиф этилган кўрсаткичлар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан «Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини мустаҳкамлаш» мавзусидаги лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2022 йил 6 майдаги 01/00-03/09-3948-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар институционал бирлик сифатида танланган уй хўжалиги секторининг халқаро стандартлар асосида статистик кузатувларини такомиллаштириш ва баҳолашга хизмат қилган;

турмуш қиймати, реал даромад ва эластиклиги уйғунлигига кўра аҳоли даромадлари, харажат ва жамғармаларининг оптимал тебранишларига (ўзгарувчанлиги) асосланган ҳолда аҳолининг даромадлилик даражасига таъсир қилувчи омилларнинг комплекс статистик баҳолаш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан «Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини мустаҳкамлаш» мавзусидаги лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон

Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2022 йил 6 майдаги 01/00-03/09-3948-сон маълумотномаси). Мазкур тақлифлар аҳолининг даромадлилик даражасига таъсир қилувчи омиллар, тамойил ва кўрсаткичларни комплекс баҳолаш имкониятларини кенгайтирган;

Ўзбекистон Республикасида аҳоли турмуш даражасининг истиқболдаги ҳолатини баҳолаш мақсадида ўрта муддатли (2022-2026 йиллар) статистик прогнозлар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг амалий фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2022 йил 6 майдаги 01/00-03/09-3948-сон маълумотномаси). Бу эса истиқболда республикада аҳоли турмуш фаровонлигининг прогноз кўрсаткичлари шаклланиши ҳамда қиёсий таққослаш имкониятларини баҳолашга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари жами 10 та, жумладан, 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси эътироф этган илмий журналларда, жумладан хорижий журналларда 2 та, республика журналларида 5 та илмий мақола ва турли анжуманлардаги маърузалар тўпламларида 10 та мақола тезислари нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 152 бетдан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, уларни амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Аҳоли турмуш даражасини статистик тадқиқ қилишнинг назарий-услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида аҳоли турмуш даражасини статистик тадқиқ этишнинг назарий-услубий асослари, уларга таъсир кўрсатувчи омиллар, асосий тамойиллар, меъёрий-ҳуқуқий асослар ҳамда халқаро тажрибалар ёритилган.

Бугунги кунда халқаро ташкилотлар томонидан дунё аҳолиси турмуш даражасини яхшилаш ва камбағалликдан азият чекаётган давлатларга кўмаклашиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, БМТ Бош Ассамблеясида 2000 йилда қабул қилинган «Минг йиллик тараққиёт дастури» ҳамда 2015 йилда қабул қилинган «2030 йилгача мўлжалланган

барқарор ривожланиш мақсадлари дастури»<sup>10</sup> бевосита жаҳон аҳолисини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, экология бузилишининг олдини олган ҳолда аҳоли саломатлигини асрашга қаратилган муҳим ишлар сирасига киради.

Аҳолининг турмуш даражаси кишилар ҳаёти ва фаолиятининг мавжуд ижтимоий-иқтисодий шароитлари мажмуи билан тавсифланувчи мураккаб ва кўп қиррали тушунчадир. Аҳоли турмуш даражасини тадқиқ этиш жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидан қатъий назар, барча мамлакатлар, хусусан, мамлакатлараро таққослаш учун долзарб ҳисобланади. Аммо «Аҳоли турмуш даражаси сифатини баҳоловчи кўрсаткичлар» тушунчаси анча кенгроқ тушунча ҳисобланади. Шу боис турмуш даражасини аҳолининг моддий ва номоддий бойликларга эҳтиёжи даражаси, шунингдек, бундай эҳтиёжларни қондириш ва ривожлантириш учун жамиятдаги мавжуд шароитларни акс эттирувчи мураккаб ижтимоий-иқтисодий категория сифатида аниқлаш мумкин<sup>11</sup>.

Аҳоли турмуш даражаси – кишиларнинг моддий ва маданий-маиший эҳтиёжлари қондирилиши ҳамда ижтимоий турмуш шароити яхшиланиб бориши сингари тушунчаларни ўз ичига олади. Аҳолининг моддий эҳтиёжларига озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой, ёқилғи ва уй-рўзғор буюмларига талаблари киради, маданий-маиший эҳтиёжларига эса, жамият барча аъзоларининг билими, малакаси, меҳнат қилиш, дам олиш, саломатлиги ва меҳнат қилиш қобилиятини сақлашни кафолатлаш, ижтимоий таъминот ва нафақалар билан таъминлашни ифодаловчи кўрсаткичлардан иборат<sup>12</sup>(1-расм).



**1-расм. Аҳоли турмуш даражаси тушунчасининг тузилиши<sup>13</sup>**

<sup>10</sup> БМТнинг 2015 йилда қабул қилинган «2030 йилгача мўлжалланган барқарор ривожланиш мақсадлари дастури» // <http://www.un.uz/uzb/pages/display/sdgs>.

<sup>11</sup> Башкатов Б. И. (2003). Уровень жизни населения. Социологическая энциклопедия, 2, 686-688. Т. 2. – М.: Мысль, 2003

<sup>12</sup> Система национальных счетов, 2008г., Европейская комиссия, ООН, МВФ, ОЭСР, ВБ, Нью Йорк, 2012.

<sup>13</sup> Муаллиф томонидан гуруҳланган.

Аҳоли турмуш даражаси тор маънода – истеъмом даражаси, талабни қондирилиш даражаси (даромад, харажатлар, моддий неъмат ва хизматлар истеъмоли)ни таърифлашни ифодалайди. Кенг маънода эса аҳоли турмуш даражаси – инсон ривожланиш даражасини таърифлаш (соғломлиги, истеъмолининг қондирилиш имконияти), ҳаётийлик шароитини (яшаш муҳити, аҳоли муҳофазасини) баҳолашни ифодалайди.

Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) статистика комиссияси томонидан турмуш даражаси кўрсаткичлари сифатида мувофиқлаштириш тавсия этилган миллий ижтимоий статистика маълумотларининг минимал тўплами тасдиқланган. Унга кўра, турмуш даражасини ифодаловчи 12 та параметрлар билан тавсифланган кишиларнинг фаровон ҳаёти модели яратилди.

Аҳоли турмуш даражаси асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини: аҳоли пул даромадлари ва харажатлари, унинг таркиби ва фойдаланилиши; даромад бўйича аҳолини тақсимлаш тўғрисидаги маълумотларни ифодалайди.

1-жадвалда Ўзбекистон Республикаси аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичлари динамикаси таҳлил қилиниб, илмий хулосалар чиқарилган.

**1-жадвал**

### Аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичлари динамикаси<sup>14</sup>

Кўрсаткичлар	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ, минг сўм	2763,7	3518,6	4285,2	5069,3	6074,2	7072,2	8020,1	9802,1	12887,7	15764,9	17951,5
Аҳоли жон бошига тўғри келувчи умумий пул даромадлари, минг сўм	2192,8	2928,9	3501,8	4175,1	4759,6	5410,6	6215,9	7314,1	9128,6	10891,3	12125,6
Бандлик даражаси, фоизда	66,9	66,2	66,6	67,1	67,7	68,2	68,7	69,2	67,4	68,1	66,0
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана савдо айланмаси, минг сўм	765,8	972,7	1240,9	1549,5	1890,1	2274,3	2765,4	3249,0	4041,6	4946,2	5828,4
Аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган sanoat маҳсулотлари, минг сўм	1334,4	1622	1933	2335,6	2731,4	3118,3	3512,6	4594,7	7141,0	9604,9	10771,8
Шифокорлар сони, минг киши	79,9	81,7	81,3	81,7	82	83,4	84,1	85,4	89,8	91,9	93,3
Олий таълим муассасаларининг битирувчилари сони, киши	76379	86255	60925	60524	67643	66290	64133	67448	70325	70793	71056
Енгил автомобиллар (100 та уй хўжалигига), донa	21	24	27	35	41	42	43	44	44	47	49
Тоза ичимлик сувидан фойдаланувчи уй хўжаликлари, фоизда	92,9	96,4	97,5	97,5	96,4	98,2	98,0	98,2	97,8	98,6	98,7

<sup>14</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Жадвалдаги маълумотлар кўрсатадики, сўнгги йилларда аҳоли жон бошига тўғри келган пул даромадлари, жон бошига тўғри келган чакана товар айланиши, аҳолининг узок муддатли товарлар билан таъминланиш даражаси, тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражалари сезиларли равишда ортган. Таҳлилларга кўра, ўрганилаётган кўрсаткичларнинг аксарияти 2010 йилдан бери муттасил равишда ошган. Фақат бандлик даражаси ва олий таълим муассасалари битирувчилари кўрсаткичларида пасайиш кузатилган.


Тадқиқот натижаларига кўра, 2010-2020 йиллар мобайнида ўртача ЯИМ ҳажми ошиши 7,1 фоиз, аҳоли реал пул даромадларининг ўртача ошиши 18,0 фоиз атрофида кузатилди<sup>15</sup>. Охириги йилларда аҳоли пул даромадларининг барча турларида ҳар хил тенденциялар кузатилмоқда. Аввало иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад, мулкдан олинган даромадларнинг жами даромадлардаги улушида ўсиш кузатилган ҳолда, қариндошлардан олинган моддий ёрдам, турли қарз ва ссудалар, шахсий ёрдам хўжалиқдан натурал истеъмол, имтиёзлар ва натура шаклидаги бошқа даромадлар улушида камайиш кузатилган бўлса, шахсий ёрдамчи хўжалиқдан олинган даромад, ижтимоий трансфертлар, имтиёзлар улушида тебранишлар кузатилди.

2020 йилда мамлакатимизда бирламчи даромадлар улуши 74,5 фоизни ташкил қилган бўлса, трансфертлардан олинган даромадлар 25,5 фоизга тенг бўлди, мол-мулкдан олинган даромадлар эса 3,0 фоизни ташкил қилган. Улар шаҳар ва қишлоқ жойларида фарқланади. Ўзбекистонда аҳолининг кичик бизнес фаолиятидан олган даромадлари улуши йил сайин ортиб бориб, 2020 йилда 59,2 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2010 йилда 47,1 фоизни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб, қарийб 12,1 фоизга ортган. Шу билан бирга, даромадлар таркибига кирувчи меҳнат фаолиятидан олинган даромадларнинг асосий манбаи – мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар бўлиб, бундай даромадлар, аҳоли умумий даромадларига сезиларлича таъсир кўрсатиб, уларнинг улуши 44,8 %ни ташкил этган.

Таҳлилларга кўра, аҳоли турмуш даражасини ифодалаш учун жаҳондаги турли мамлакатларда турлича мезонлар қўлланилади. Улар орасида минимал истеъмол бюджети, камбағаллик, мутлақ ва нисбий камбағаллик кўрсаткичларидан кенг фойдаланилади. Камбағаллик кўрсаткичи – аҳоли турмуш даражасини баҳолаш учун фойдаланилувчи мезонлардан биридир.


Статистик таҳлилларга кўра, 2021 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикасида камбағаллик чизиғидан пастдаги аҳоли улуши худудлар кесимида, жами аҳоли сонига нисбатан Наманган вилоятида (15,25 %), Сурхондарё вилоятида (14,69 %), Қорақалпоғистон Республикасида (14,62 %) ва Фарғона вилоятида (14,47 %)ни ташкил қилди. Энг минимал кўрсаткич Тошкент шаҳри, Тошкент, Навоий ва Бухоро вилоятларига тўғри келди (2-расм).

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида.



**2-расм. Ўзбекистон Республикасида камбағаллик чизиғидан пастдаги аҳоли тўғрисида маълумот (жами аҳолига нисбатан фонзда)<sup>16</sup>**

Ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиб, шундай хулосага келиш мумкинки, аҳоли турмуш даражасини ифодалаш учун бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади. Масалан, Россия Федерацияси, АҚШ ва Франция давлатлари турмуш даражаси кўрсаткичларини қиёсий таққослаш мумкин (3-расм).



**3-расм. Жаҳон мамлакатларида аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичлари<sup>17</sup>**

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги маълумотлари.

<sup>17</sup> Муаллиф томонидан умумлаштирилган.

Тадқиқот натижаларига кўра, аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар АҚШда 13 та бўлимдан, Россия Федерациясида 7 та бўлимдан ҳамда Францияда 4 та бўлимдан иборат.

Юқоридагилардан кўринадики, аҳоли турмуш даражасини ҳар томонлама ўрганиш фақат статистик кўрсаткичлар тизими ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Бу кўрсаткичлар тизими инсон ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, географик ва бошқа кўплаб омиллар таъсирида ўзгариши мумкин. Бу омиллар таъсирида турмуш даражаси пасайиши ёки ортиши мумкин. Уларнинг ўртасида боғлиқликлар мавжуд эмас. Масалан, табиий бойликлари жуда оз бўлган Япония ва Швейцария турмуш фаровонлиги кўрсаткичлари бўйича юқори кўрсаткичларга эга. Аҳоли сони турлича бўлган мамлакатларда ҳам турмуш даражаси кўрсаткичлари турли даражаларни ташкил этади.

Ўрганилган мамлакатлар кўрсаткичларини таҳлил қилиш жараёнида, кўриш мумкинки, ҳар бир давлат аҳоли турмуш фаровонлиги кўрсаткичларини асосий йўналишлари сифатида маълум кўрсаткичлар гуруҳларидан таркиб топади. Уларнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатлари мавжуд.

Аҳолининг пул харажатлари ва жамғармалари аҳолини товарлар ва турли хизматларни сотиб олишга сарфлаган харажатлари, мажбурий тўловлар ва турли хил бадаллар (солиқ ва йиғимлар, суғуртага тўловлар, ижтимоий ташкилотларга бадаллар, товар кредитига фоизлар) ҳамда шахсий жамғармаларидан иборат.

Халқаро методологияга кўра, минимал харажатлар миқдори референт гуруҳи сифатида танланган уй хўжалиқларида сўров ва мониторинг ўтказиш йўли билан ҳисобланади. Кўпгина мамлакатларда минимал харажатларнинг аҳоли жон бошига ЯИМга нисбати 30 %дан ошмайди.

Ўзбекистон Республикасида 2021 йил ҳолатига бир киши учун минимал истеъмол харажатларининг янги миқдори 13,2 фоизга ошиб, 498 минг сўмни ташкил этди, 2020 йилда бу кўрсаткич 440 минг сўмни ташкил қилган<sup>18</sup>. Жаҳон тажрибасига кўра, минимал истеъмол харажатлари камбағаллик чегараси кўрсаткичи сифатида қўлланилади, у пенсия ва нафақаларнинг энг кам миқдорини белгилаш, кам таъминланган оилаларга кўрсатиладиган моддий ёрдамлар миқдорини аниқлаш; ижтимоий ёрдамга муҳтож аҳолининг мақсадли гуруҳини аниқлаш; камбағалликка қарши курашиш учун қабул қилинувчи стратегия ва дастурларнинг вазифа ва чора-тадбирлари натижадорлиги ҳамда манзиллигини оширишда қўлланилади. Жумладан, Хитой Халқ Республикасида аҳоли жон бошига минимал истеъмол харажатлари (ойига 37,1 АҚШ долл.) нисбати 4,3 %, Индонезияда (29,8 АҚШ долл.) – 9,2 %, Вьетнамда (24 АҚШ долл.) – 10 %, Грузияда (56,4 АҚШ долл.) – 15,4 фоиз, Арманистонда (67,2 АҚШ долл.) – 18,7 фоиз, Мўғулистонда (58 АҚШ долл.) – 16,8 фоиз, Ўзбекистонда эса (40,4 АҚШ долл.) – 28,8 фоизни ташкил этади<sup>19</sup>.

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси маълумотлари

<sup>19</sup> <https://xs.uz/uzkr/post/aholining-minimal-istemol-kharazhatlari-qijmatini-hisoblash-tartibi-belgilandi>



Диссертациянинг «Аҳоли турмуш даражаси ҳолати ва ундаги асосий тенденцияларнинг иқтисодий-статистик таҳлили» деб номланган иккинчи бобида мамлакат аҳолисининг пул даромадлари ва харажатлари, уларнинг ҳосил бўлиш манбаларининг статистик таҳлили, пул даромадларини ифодаловчи статистик кўрсаткичлар тизими, даромад ва харажатларнинг шаклланиш жараёнларини статистик баҳолаш амалга оширилган.

МХТ халқаро стандартида аҳоли турмуш даражаси сифатига таъсир кўрсатувчи, уй хўжалиқларининг истеъмолга қодирлигини аниқлаш мезони сифатида фойдаланилувчи муҳим кўрсаткич – умумий даромадлар (жорий тушумлар) ҳисобланади, чунки улар истеъмол қилиш ёки жамғариш имкониятини оширишни таъминлайди<sup>20</sup>.

2021 йилда аҳоли жон бошига умумий даромадлар ҳажми Тошкент шаҳрида 30232,0 минг сўмни, Навоий вилоятида 24156,2 минг сўмни, Бухоро вилоятида 17847,1 минг сўмни ташкил қилди, шунингдек, аҳоли жон бошига умумий даромадлар ҳажмининг энг қуйи кўрсаткичлари Фарғона вилоятида 10929,8 минг сўм бўлган бўлса, Наманган вилоятида 11329,1 минг сўм, Сурхондарё вилоятида 11884,7 минг сўмга тенг бўлди<sup>21</sup>.

2021 йилда бирламчи даромадлар улуши 73,6 фоизни ташкил қилган бўлса, трансфертлардан олинган даромадлар 26,4 фоизга тенг бўлди, мол-мулкдан олинган даромадлар 2,2 фоизни ташкил қилган. Улар шаҳар ва қишлоқ кўрсаткичида турлича кўрсаткичларга эга. Аҳоли умумий даромадлари ҳажмининг сезиларли даражада ошиши асосан умумий даромадлар таркибига кирувчи меҳнат фаолиятдан олинган даромадлар билан боғлиқ 2021 йилда бу кўрсаткич 65,0 фоизни ташкил қилди, шунингдек, шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар улуши 6,5 фоизни ташкил қилди.

2020 йилда жами даромадлар Тошкент шаҳрида, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида юқори кўрсаткичларни акс эттириб, тадбиркорликдан олинган даромадлар асосан, Жиззах вилоятида 69 фоизни, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида бу кўрсаткичлар мос равишда 65 ва 63 фоизни ташкил қилган.

Аҳоли даромадлигини таҳлил қилиш учун тақлиф этилаётган статистик кўрсаткичлар тизимининг бошқа ижтимоий-иқтисодий ва демографик кўрсаткичлар билан боғлиқлик жараёнларини ҳар томонлама тўлиқ қамраб олиш билан аҳоли даромадларини комплекс статистик баҳолаш имконини беради. Аҳолининг пул даромадларини таҳлил қилиш ўз-ўзидан уларнинг моддий неъмат ва хизматлардан фойдаланиш даражаси, пул жамғармалари кўрсаткичлари билан ўзаро алоқасини назарда тутди, уларга сарфловчи харажатларини ҳам статистик ўрганишни талаб этади. Бу таҳлилни мукаммаллаштириш вазифаси аҳоли ёки оиланинг турли мақсадлари учун харажатларини асосли равишда илмий ўрганишни талаб этади.

<sup>20</sup> Макроиқтисодий статистика. Дарслик. Акад.С.Ғуломов таҳрири остида. – Тошкент: «Дитаф» нашриёти, 2002.-98 б.

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Таҳлилларга кўра, аҳоли умумий даромадларининг асосий қисми истеъмол товарларини сотиб олиш ва кўрсатилган хизматлар учун сарфланмоқда<sup>22</sup>. Аҳоли пул даромадлари ҳажми ошиши харажатлар таркибининг янада мукамалроқ бўлишига олиб келди. 2002 йилдан бошлаб, аҳолининг харажатлар тузилмасида товарлар хариди учун харажатлар улуши ҳар йили ўртача 2,1 фоизга камайиб борди ва хизматлар учун ҳақ тўлаш улуши ҳар йили ўрта ҳисобда 0,6 фоизга ошиб борди.

Республика аҳолисининг ҳар бир йилдаги умумий харажатлари таркибида озиқ-овқат истеъмол харажатлари энг кўп улушни эгаллайди, аммо шунга қарамай, оз бўлса-да камайиб бораётганини айтиш мумкин. 2010-2020 йиллар оралиғида истеъмол харажатлари ҳажми ортиб бораётганини кузатиш мумкин. Бу ўзгариш асосан истеъмол харажатлари таркибига кирувчи ноозиқ-овқат товар ва хизматлар улуши муттасил равишда ошиб бориши билан ифодаланади. 2020 йилда истеъмол харажатлари 87 фоизга етиб, 2010 йилга нисбатан ошиб бораётганини кўриш мумкин. Истеъмол харажатлари тузилмасига назар солинса, озиқ-овқат маҳсулотлари тебранишларга эга бўлаётганини кузатиш мумкин.

Шахсий истеъмол учун ноозиқ-овқат товарлари улуши ҳам ортиб борди. Ноистеъмол харажатлари 2010 йилда 20,1 фоизни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб, 7,1 фоиз пунктга камайди. Шунингдек, аҳоли жон бошига ўртача ойлик истеъмол миқдори кузатилган даврда 2010 йилга нисбатан 10,5 баробарга ортиб, 2020 йилга келиб, 780,8 минг сўмни ташкил қилди.

Халқаро статистика амалиётида аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи ички маҳсулот, номинал ва реал даромад индекслари; аҳолининг турмуш қиймати индекси; яшаш минимуми, ялпи миллий даромад, инсон тараққиёти индекси, аҳолининг маълум гуруҳлари бўйича табақаланиш коэффициентлари сингари кўрсаткичлар қўлланилади. Улар қиймат-пул кўрсаткичлари бўлиб, аҳолининг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш меъерини акс эттиради. Дунё мамлакатлари статистик маълумотларида турмуш даражасини умумий баҳолаш сифатида аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), ялпи миллий даромад (ЯМД), соф миллий даромад (СМД) сингари кўрсаткичлар таклиф этилган. Тадқиқот ишида турмуш қиймати индекси кўрсаткичи таклиф қилиниб, у қуйидагича ҳисобланган:

$$I_{\text{ТК}} = \frac{\sum i_p p_0 q_n}{\sum p_0 q_n} \quad (1)$$

бу ерда:  $I_{\text{ТК}}$  – турмуш қиймати индекси;  $p_0 q_n$  – доимий истеъмол товар ва хизматлар тўплами қийматлари;  $i_p$  – нархнинг индивидуал индекси.

Аҳоли жон бошига яратилган ялпи ички маҳсулот иқтисодий тараққиётни ва аҳоли турмуш даражасини ифодалайди:

$$K = \frac{\text{ЯИМ}}{A} \quad (2)$$

бу ерда:  $K$  – аҳоли жон бошига турмуш даражаси коэффициенти;  $A$  – доимий аҳолининг ўртача йиллик сони.

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Таҳлиллар кўрсатишича, аҳоли турмуш даражаси юксалиши учун ЯИМ ҳажмининг ошиш суърати аҳоли сонининг ошишиш суръатидан юқори бўлиши лозим. Буни аниқлаш учун турмуш даражаси индексини ҳисоблаш керак:

$$I_{\text{т.д.}} = \frac{K_1}{K_0}, \quad (3)$$

бу ерда:  $I_{\text{т.д.}}$  – аҳоли турмуш даражаси индекси.

Агар  $I_{\text{т.д.}} > 1$  дан катта бўлса, иқтисодий ўсиш содир бўлган, бинобарин аҳоли турмуш даражаси ошган. Агар  $I_{\text{т.д.}} < 1$  дан кичик бўлса, аксинча. Агар  $I_{\text{т.д.}} = 1$  бўлганда аҳоли турмуш даражаси ҳам ўзгармаган.

Аҳоли фаровонлиги ва даромадлар тақсимланишини таҳлил қилиш учун аҳолининг юқори даромадли ва паст даромадли гуруҳлари ўртасидаги тафовут кўрсаткичларидан фойдаланилади. Бу мақсадга даромадлилик, эластиклик, квинтиль, дециль, концентрация коэффицентлари сингари комплекс кўрсаткичлар хизмат қилади. Шу билан бирга тадқиқот ишида юқорида келтирилган кўрсаткичлар асосида интеграл кўрсаткич – даромадлар поляризация индекси тадқиқ этилган (DPI).

Даромадлар поляризация индекси – аҳоли ўртача даромадларининг ўртача даражадан юқори бўлган гуруҳининг ўртача даромадларнинг паст даражали гуруҳларига нисбати кўринишида бўлади.

$$DPI = \frac{H}{L} = \frac{(1-D_c)F_c}{(1-F_c)D_c}, \quad (4)$$

Бу ерда:  $D_c$  – даромадлар улуши;

$F_c$  – аҳоли улуши;

$H$  – юқори даромадли аҳоли гуруҳларининг шартли ўртача даромади;

$L$  – паст даромадли аҳоли гуруҳларининг шартли ўртача даромади.

Агар мутлақ тенглик кузатилса,  $H=L$  ва поляризация индекси  $DPI=1$ , агар мутлақ тенгсизлик кузатилса,  $H \rightarrow 1$  ва  $L \rightarrow 0$  тенг бўлганда поляризация индекси чексизликка интилади. Назарий жиҳатдан бу индекснинг ўзгариш чегаралари 1 дан чексизликка томон йўл олади.

Келтирилган кўрсаткич фондлар коэффиценти кўрсаткичи билан ўхшаш бўлиб, лекин бироз ундан фарқ қилади. Асосий фарқи шундаки, даромадга эга аҳоли гуруҳларининг чегаралари доимий қиймат бўлиб қолмай, даромадлар логарифми ўртача квадратик тафовути таъсирида ўзгаради.

Даромадлар поляризацияси қўшимча таркибий қисми сифатида аҳоли поляризатори (AP) ва даромадлар поляризатори (DP) кўрсаткичлари билан бирга қўлланилади. Бундай икки кўрсаткичнинг нисбати даромадлар поляризацияси индексини билдиради.

Шу билан бирга, турмуш даражаси билан бевосита боғлиқ кўрсаткичлар тизими сифатида ҳаёт сифати кўрсаткичи ҳам кенг фойдаланилади. Таклиф қилинаётган ҳаёт сифатининг интеграл индексини баҳолашнинг услубий ёндашуви аҳоли турмуш сифатини тавсифлаш учун энг муҳим расмий статистик кўрсаткичлардан фойдаланишга асосланган бўлиб, улар 6 та бўлимдан иборат. Ҳар бир бўлимда турли миқдордаги маҳаллий кўрсаткичлардан фойдаланилади:

1. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш.
2. Моддий фаровонлик ва истеъмол даражаси.
3. Ижтимоий инфратузилма объектлари билан таъминлаш.
4. Ижтимоий вазиятнинг барқарорлиги.
5. Демографик вазият.
6. Аҳоли саломатлиги.

Ҳар бир бўлим бўйича субиндекс ҳисобланиб, иккита нисбий миқдорнинг ўзаро кўпайтмаси, яъни шартли субъект кўрсаткичининг ўртача ҳудудлар ва жами республика даражаси кўрсаткичлари нисбатига тенг, яъни:

$$I_i = \sqrt{\frac{x_{ij}}{x_{im}} \cdot \frac{x_{ij}}{x_m}}, \quad (5)$$

$I_i$  –  $i$ -блокнинг субиндекси;

$x_{ij}$  – шартли субъектнинг қиймати;

$x_{im}$  – ҳудудлардаги кўрсаткичнинг ўртача даражаси;

$x_m$  – республика бўйича кўрсаткичнинг ўртача даражаси.

Олинган субиндекслар формула бўйича ўртача геометрик қийматдан фойдаланган ҳолда яратилган олтига блокнинг ҳар бири учун хусусий индексларга умумлаштирилади. Яъни:

$$I_l = \sqrt[n]{\prod_n(I_i)}, \quad (6)$$

бунда,

$I_l$  –  $i$ -бўлимнинг хусусий индекси;

$\prod_n I_i$  – субиндексларининг кўпайтмаси.

Ҳар бир ҳудуд учун блокларда ҳисобланган субиндекслар асосида ҳаёт сифатининг интеграл индекси аниқланади ва хусусий индексларнинг ўртача геометрик қиймати сифатида ҳисобланади, яъни:

$$I_{\text{ҳси}} = \sqrt[6]{\prod_6(I_l)}, \quad (7)$$

$I_{\text{ҳси}}$  – ҳаёт сифати индекси.

Тадқиқот ишида иқтисодий жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланган аҳолининг номинал ва реал даромадлари орқали аниқланувчи реал даромад индексини ҳисоблашнинг статистик услуби ҳам қуйидаги 4-жадвалда кўриб чиқилган.

#### 4-жадвал

#### Аҳолининг реал даромад индексини ҳисоблаш услуби<sup>23</sup>

	Кўрсаткичлар	2020 й.	2021 й.
1.	Аҳолининг номинал даромадлари, млрд. сўм	415085,0	515660,7
2.	Умумий номинал даромаддан чегириб ташланувчи ҳар хил тўловлар (турли хил солиқлар ва маиший хизматлар учун тўловлар), млрд. сўм	25736,5	33569,2
3.	Аҳоли ихтиёридаги даромад, таққослама нархларда, млрд.сўм (1-2)	389348,5	482091,5
4.	Истеъмол нархлари индекси (Ip)	1,129	1,108
5.	Реал даромад таққослама нархларда, млрд. сўм (3:4)	344861,3	435100,6

Аҳолининг реал даромад индекси қуйидагича ҳисобланади:

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

$$I_{PD} = \frac{PD_1}{PD_0} : I_P, \quad (8)$$

бу ерда:  $PD_0$  ва  $PD_1$  – реал даромаднинг базис ва жорий даврлардаги қиймати;  $I_P$  – истеъмол нархлари умумий индекси.

Демак, аҳолининг реал даромади жорий даврда базис даврга нисбатан 26,1 фоизга ортган<sup>24</sup>. Агар нарх ўзгармаган ёки пасайган ҳолатда аҳолининг пул даромади кўпайса, реал даромад ҳам кўпаяди.

Глобаллашув шароитида Ўзбекистон аҳолиси таркибида янги ижтимоий гуруҳлар (тадбиркорлар, фермерлар, ишсизлар) вужудга келиб, бунда аҳоли даромадлари тузилмасида иш ҳақининг салмоғи камайиб боради, аҳолини таркибий элементларга ажратиш (дифференциация қилиш) кучаяди. Бундай ҳолатда тузилмавий ўзгаришларни объектив акс эттирувчи танланма тўпламни шакллантириш бўйича янги усуллар ишлаб чиқиш зарур. Бундан асосий мақсад танлаш моделини қайта ишлашнинг янги йўллари аниқлаш, танлаш механизмларини шакллантириш ва уни тузиш учун маълумотлар манбаини аниқлашдан иборат.

Маълумки, ҳудудларда аҳоли даромадлари ҳисобини юритишда тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда уй хўжалиқларининг танланма ва жорий кузатуви маълумотларига таянилади. Бу эса статистик кўрсаткичлар тизимини такомиллаштиришни талаб этади. МХТ-2008 халқаро стандартида институционал бирлик сифатида хўжалиқ юритишнинг бир кўриниши бўлган уй хўжалиги билан банд шахс ёки шахслар гуруҳи фаолият юритиб, улар уй хўжалиги секторини ташкил этади. Уй хўжалиги тармоқ танловини ташкил қилиш учун гуруҳдаги механик танлов бирликлари билан боғлиқ типик танлов қўлланади. Барча танлов даражаларида тармоқли ажратиш шароитида танлашнинг асосий мезони ишловчилар даромадларининг 80 фоизидан юқори қисмини ташкил этган, ўртача ойлик иш ҳақи типик танлаш бирлиги сифатида қўллаб келинган.

Бугунги кунда Давлат статистика қўмитаси томонидан марказлаштирилган ҳолатда уй хўжалиқлари фаолияти танланма усулда ўрганиб чиқилмоқда. Республика бўйича ойига 833та, бир йилда 10 минг уй хўжалиги ўрганиб чиқилиб, республикада мавжуд бўлган жами уй хўжалиқларининг бош тўпламига баҳо берилади. Шундай қилиб, танланма кузатувнинг якуний мақсади танланма кузатув маълумотлари асосида ўрганилаётган бош тўпламни баҳолаш, танлов натижаларини тўғри талқин қилиш ҳисобланади.

Нисбий аниқлик кўрсаткичи – нисбий стандарт хато (вариация коэффицентини баҳолаш)ни аниқлаш имконини беради. Берилган кўрсаткич математик кутилаётган тасодифий миқдорларга мутлақ аниқ миқдорлар муносабати сифатида ҳисобланади. Нисбий аниқлик ўлчов параметрлари максимал фарқланиш кўлами ёки эҳтимолий баҳолашнинг қанча фоизга тенглигини кўрсатади. Кўрсаткичларни аниқ ҳисоблаш учун 2-босқичли танловда, жумладан, ўртача қиймат ( $M_x^2$ ) дисперсияни баҳолаш (бу квадрат

<sup>24</sup> Муаллиф томонидан ҳисобланган.

стандарт хатолар) ва салмоғи ( $M_p$ ) учун қуйидаги тенгламалардан фойдаланиш мумкин:

$$M_x^2 = \frac{1-f_1}{n} S_1^2 + \frac{f_1(1-f_2)}{nm} S_2^2, \quad (9)$$

$$M_p^2 = \frac{1-f_1}{n(n-1)} \sum_i^n (p_i - \bar{p})^2 + \frac{f_1(1-f_2)}{n^2(m-1)} \sum_i^n p_i q_i, \quad (10)$$

бу ерда:  $S_i^2$  – берилган танлов бўйича баҳоланган бирликлар (санок соҳаларида)дан келиб чиқувчи (бирламчи) белгининг ўртача қиймати дисперсияси;  $S_2^2$  – берилган танлов бўйича баҳоланган бирламчи бирлик (санок соҳаси)да иккиламчи бирлик (уй хўжалиги) белгининг қиймат дисперсияси;  $n$  – биринчи даражали танлашда ҳисобланган санок соҳалари сони ( $n_1$ );  $m'$  – танловдаги уй хўжалиги сони ( $\sum m_i$ );  $m_i$  – санок соҳасида ( $n_2$ ) танланган уй хўжаликлари сони;  $p_i$  – санок соҳасидан танлашда белгилар салмоғи – ( $1-p_i=q_i$ );

Уй хўжалиги сони ( $M_i$ ) санок соҳасида фарқли равишда дисперсиянинг ўртача қийматини баҳолаш ( $\bar{x}$ ) ва берилган белгига тегишли бирлик салмоғини ( $M_p$ ) ҳисоблаш учун қуйидаги тенгламалар ( $f_2 = \frac{m_i}{M_i} = \text{доимий}$ )дан фойдаланиш мумкин:

$$\mu_x^2 = \frac{1-f_1}{nM^2} \frac{\sum_i^n (M_i \bar{x}_i - \bar{x})^2}{n-1} + \frac{f_1(1-f_2)}{nmM} \sum_i^n M_i S_{2i}^2, \quad (11)$$

$$\mu_p^2 = \frac{1-f_1}{nM^2} \frac{\sum_i^n M_i^2 (p_i - \bar{p})^2}{n-1} + \frac{f_1(1-f_2)}{n^2 m M} \sum_i^n \frac{M_i m_i}{m_{i-1}} p_i q_i, \quad (12)$$

